O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati

HOKIMI

Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти

ҲОКИМИ

# ҚАРОР

«13» апрель № 83-Қ

Ташкилот, муассаса ва корхоналарга иншоотлар қуриш ҳамда фойдаланиш учун ер майдонини ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5, 23, 57 моддаларига асосан ташкилот, муассаса ва корхоналарга иншоотларни қуриш ва фойдаланиш учун ер майдонини ажратиш тўғрисидаги туманлар ҳокимларининг қабул қилган қарорларини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ташкилот, муассаса ва корхоналарга иншоотларни қуриш ҳамда фойдаланиш учун ер майдонини ажратиш тўғрисида Иштихон тумани ҳокимининг «Фуқароларга «Ким ошди» савдоси орқали якка тартибда уй-жой қуриш учун ер ажратиш ҳақида» ги 2000 йил 15 январдаги 39-Қ, Қўшработ тумани ҳокимининг «Марал сервис» корхонасига ёрдамчи хўжалик ташкил этиш учун ер ажратиш ҳақида»ги 2000 йил 5 апрелдаги 100-Қ, Пастдарғом тумани ҳокимининг «Фуқаро Шомирзаев Тиркашга хусусий врачлик тиббиёт шахобчаси қуриш учун 0,20 гектар ер ажратиш тўғрисида»ги 2000 йил 16 августдаги 215/8, Нуробод тумани ҳокимининг «Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги қурилиш трестига ёрдамчи хўжалик ташкил килиш учун ер ажратиш тўғрисида» ги 2001 йил 9 февралдаги 63-Қ, Булунғур тумани ҳокимининг «Катта Ўзбек трактидан Булунғур шаҳрига кириш йўли қуриш учун ер ажратиш тўғрисида» ги 2001 йил 21 февралдаги 204-Қ, Самарқанд тумани ҳокимининг «Туман газлаштириш идорасига газ тақсимлаш станцияси ва газ тармоғи трассасини қуриш учун ер ажратиш ҳақида»ги 2000 йил 27 июндаги 383-Қ, Гўзалкент тумани ҳокимининг «А.Рудакий номли Самарқанд агросаноат комбинатига асаларичилик бригадасини ташкил этиш учун ер ажратиш ҳақида» ги 2001 йил 16 февралдаги 36-Қ (а) рақамли қабул қилган қарорлари иловага асосан тасдиқлансин.

2. Вилоят ер ресурслари бошқармаси (Ш.Ахмедов)га хўжаликларнинг ер тўғрисидаги ҳисоботларига ўзгартиришлар киритиш топширилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Жураевга юклансин.

Вилоят ҳокими Э.Рузиев

720 — 1000.